

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 786-ҳадис

786 – عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَأَقِي الْقَوْمَ آخِرُهُمْ» يَعْنِي: شُرَبًا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ، وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

786. Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Одамларга сув тарқатувчи киши ўзи охири ичади», дедилар.

*Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис дедилар.*

**Шарҳ:** Одоб бўйича бир қавмга соқийлик қилиб, сув ва бошқа чанқовбосди ичимликлар тарқатиб турган киши ўзи охири ичади. Олдин меҳмонларнинг хизматини қилиб савобни тугал олиб, сўнгра бемалол ўзи ичса бўлаверади. Таом улашув билан машғул дастурхончи ҳам шундоқ қилади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

